



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 10 декабрь, № 263 (8043)

Жума

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ “УРАЛХИМ” КОМПАНИЯСИ РАЎБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 декабрь куни “Уралхим” компанияси директорлар кенгаши аъзоси, бош директори Дмитрий Мазепинни қабул қилди.



Россиянинг энг йирик минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчиси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Тегишли ресурс базасини ўзлаштирган ҳолда азот, фосфор ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оши-

ришга алоҳида эътибор қаратилди. Илмий-техник ишланмалар ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳам-

корликни йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 декабрь куни Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Бу лойиҳалар Самарқандни замонавий шаҳарга айлантириш, аҳоли, тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулайликларни ошириш, туризм ривожини ун шароитларини яхшилашга қаратилган.

Маълумки, яқин йилларда Самарқанд яшаш учун қулай “миллионли шаҳар”га айлантирилади. Бунинг учун шаҳар таркибига қўшни туманлардан муайян ҳудудлар қўшилиди. Давлат идоралари ва маъмурий хизматлар тарихий марказдан бошқа жойга кўчирилди. 2 та туннель ва 2 та кўприк қурилади.

Самарқанднинг асосий драйверларидан бири бўлган туризм соҳасида 40 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бунинг учун вилоятни юртимизнинг “Туризм дарвозаси”га айлантириш орқали келгуси беш йилда сайёҳлик хизматлари ҳажминини 10 баробарга ошириш мўлжалланган. Жумладан, 600 дан ортқ янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилади.

Бу соҳадаги энг улкан лойиҳа Самарқанд бизнес ва туризм марказидир. 212 гектар майдонда барпо этилаётган бу масканда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” карвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, хунармандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари бўлади. Бу ерда 5 мингдан зиёд ёшлар бандлиги таъминланади.

Умуман, вилоятга ташриф буорадиган хорижий сайёҳлар сонини йилга 5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг амалий жиҳатлари, режадаги иншоотларни замонавий ва сифатли қилиб қуриш чоралари муҳокама қилинди.

Ў.А.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

ОҲАНГЛАРИ ЮРАККА ТУТАШ

Дилбар куй-қўшиқларни тинглаганимизда қалбимиз ором олиб, руҳимиз кўтарилди. Аммо давлатимиз мадҳияси янграганида вужудимизда титроқ туриб, ҳар бир томиримизда кўтаринкилик, қувонч ва ҳаяжон, миллий гурур жўш уриши айни ҳақиқат.

Хўш, бу улғувор қўшиқнинг сирини-сехрини, мўъжизасини нимада? Халқимизнинг асрий орзу-умидлари қуйланганидими?! Ё Ватанимизнинг тенгсиз кўрку жамоли, гўзал она табиатимиз, бебаҳо миллий бойлиқларимиз, илдишлари теран ўзига хослигимиз юқори пафосда, соҳир оҳанглар билан тараннум этилганидими?! Бу риторик саволларнинг,

шубҳасиз, жавоблари аниқ: Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳия-маси замирида халқимизнинг асрлар оша тобланган орзу-мақсадлари, келажакка ёруғ умиди ва мустақам ишончи теран ифодаланган.

➔ 2

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган байрамлар арафасида бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримлилиқ каби халқимизга хос эзгу фазилатлар кўлами янада кенгайди. Мазкур аънаъа Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллик байрами арафасида яна бир бор намойён бўлди.

оиласи бағрига қайтганлардан айримлари билан мулоқот қилди.

Илҳом БЕКЧАНОВ, Тўртқўл туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

Дил сўзи

Байрам муносабати билан Президентимиз томонидан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Бу давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида қўллаб оила-ларга қувонч шодлик, умид олиб кирди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига

қатъий ўтган 182 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 108 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 8 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгироқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 63 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 6 нафарини чет эл фуқаролари, 6 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 9 нафарини аёл ҳамда 25 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

“Халқ сўзи” муҳбирлари Президент Фармонининг мазмун-моҳияти ҳусусида фол юртодошларимиз ҳамда ушбу ҳужжатга мувофиқ афв этилиб,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлисини 2021 йил 15 декабрь куни чақариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилган. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги, “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги, “Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар

киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245^б-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги, “Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидаги ижроси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш бўйича ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботлар эшитилади.

➔ 3

КЕЛАЖАК АВЛОД ОЛДИДА МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИШИМИЗ ЛОЗИМ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга байрам табригини йўллади. Унда давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишловларни янада жаддалаштириш, Ватан равнақи йўлида қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб, учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустақамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, таълимни, илм-фанни ривожлантирмай туриб, мамлакат тараққиётига эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, кейинги йилларда таълим соҳасига устувор аҳамият қаратилмоқда ва бу ўз самараларини ҳам бераётди. Ютуқларнинг барчаси Конституциямиз, унда таълим ва унинг кафолати акс этгани билан ҳам бевосита боғлиқ. Чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, истиқлолга эришганимиздан кейин элу

юрт, мутасаддилар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Чунки муваффақиятга эришиш ўзига хос машаққат бўлса,

Муносабат

уни сақлаб қола олиш эса ўн чандон масъулият эканлиги ҳеч биримиз учун сир эмас. Улуғ йўлга чиққан карвон, аввало, ўз йўлини аниқ белгилаб олади. Ўзбе-

кистон Республикасининг истиқлоли ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи илк асос, бу бахтимиз, келажакимиз қомуси — Конституциямиз бўлди.

Том маънода, ҳозиргача эришган барча ютуқларимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, мамлакат ривожини ҳамда инсон омилига эътибор ва гамхўрликларнинг ҳуқуқий асоси, албатта, Бош қомушимиздир.

➔ 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 2 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРК-350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 11-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги йиғирма тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «Фуқаролар йиғини ҳудудда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан таъйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай таъйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этади»;

2) 14-моддасининг биринчи қисми: қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Таъйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига муносабат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди, шунингдек мазкур фактлар тўғрисида тегишли аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади»;

Ўн тўртинчи – йиғирманчи хатбошилар тегишинча ўн бешинчи – йиғирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРК-561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 9-модда: қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Иш қилдираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш чораларини кўради»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 11-модданин учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги ЎРК-611-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 202-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) 24-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқмат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 декабрь № ЎРК—736

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ялпи мажлисда экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳамда Айдар-Арносов кўллар тизимида юзага келатган муаммоларнинг экология ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирилар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БОЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ АЖРАТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши ўтказилди. Унда сенаторлар, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари раислари, масъул вазирилк ва идоралар вакиллари ҳамда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари директорлари қатнашди.

Долзарб мавзу

Парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмухамедова бошқарган йиғилишда 2021 йилда Тошкент шаҳрида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилишнинг мақсадли параметрлари ижроси кенг таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мақсадли параметрларига асосан, 2021 йил давомида Тошкент шаҳрида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун жами 173 та уй-жой харид қилиш белгиланган.

Ушбу мақсадлар учун жами 29,583 миллион сўм маблағ йўналтирилиши назарда тутилган бўлиб, шундан 14,792 миллион республика бюджетидан, 14,792 миллион маҳаллий бюджетдан ажратилиши режалаштирилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маълумотига кўра, 2019 — 2021 йиллар давомида 149 нафар чин етимга

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ НИМА БЕРАДИ?

Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган ҳаётимиз қомуси ҳисобланади. Зеро, унинг ҳар бир моддасида миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимиз манфаатлари акс этган.

Фикр



Ўтган давр мобайнида Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизда юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо қилинди. Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳасида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Бош қомусимизнинг бир неча моддалари инсоннинг яшаш учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб кўрсатилган. Бу эса ўз вақтида фуқаролар томонидан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажаришни ҳам таъқоз этиди. Ушбу ҳолат экологик соҳага оид барча қўнунларда ҳам аниқ тарзда ўз ифодасини тоналганлиги мўҳим аҳамиятга эга бўлиб, конституция талабларини мустаҳкамлайди.

Конституцияимизнинг 55-моддасида эса ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатилган. Бош қомусимизнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилиш эканлиги белгиланган бўлиб, ушбу қоида вилоят, туман, шаҳарларда маҳаллий вакиллик ва бошқарув органлари зиммасига таъбиот ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш вази-фиссини юклайди.

Ушбу конституциявий нормалар асосида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини асраш бўйича қабул қилинган 30 дан зиёд қўнунлар ва 200 га яқин қонуности ҳужжатлари соҳага оид барча қўнунларда ҳам аниқ тарзда ўз ифодасини тоналганлиги мўҳим аҳамиятга эга бўлиб, конституция талабларини мустаҳкамлайди.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида мамлакат экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадига атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий-иқтисодий ва экологик сийсатини изчил амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 15 та халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Биохимла-хилликни муҳофаза қилиш масалалари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ТАБРИҚДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРДИ?

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини юртдошларимиз катта қизқиш билан кутиб олди.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталарда табриқда белгиланган вазифалар атрофида муҳокама қилиниб, чўқур ўрганилмоқда. Шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Парламент куйи палатасидаги Ҳалқлар фракцияси йиғилишида мамлакатимизда бундан беш йил олдин Конституциямизга таяниб Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганини, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгаргани таъкидланди.

— Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган байрам табриғида мўҳим ташаббуслар илгари сурилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ҳалқлар фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов. — Хусусан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши кераклиги, бу — халқларар давлат барпо этишнинг энг мўҳим шарти эканлиги айтилди. Бу борада партияимиз мамлакатдаги етакчи сиёсий кўч сифатида ҳар бир ишбилармон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш учун бор имкониятларини ишга солади, аҳолини тадбиркорликка кенгроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратади. Буларнинг барчасини амалга оширишда фракцияимиз халқимиз ишончини оқлайди.

— Фракция йиғилишида "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Халқ вакиллари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғрисидаги ўтган йилда қилинган яхлит қонун билан тартибга солинишига хизмат қилишини инобатга олиб, уни маъқуллашди.

Йиғилишда фракция фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриғи мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодировнинг айтишича, Президент табриғида энг мўҳим жиҳатлардан бири халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи деган конституциявий принципга алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Чунки мамлакатимизда давлатнинг халққа хизмат қилиш тамойили ҳақиқий маънода ўз ифодасини топиб, ўзининг амалий натижаларини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг байрам табриғида партия томонидан илгари сурилган тақлифлар ҳам ўз ифодасини тоналган, жумладан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига алоҳида эътибор берилгани, жойларда муаммоларни ҳал қилишда депутатлик корпусини янада жонлантириш лозимлиги эътибор этилгани таъкидланди. Богча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаси янада ривожлантирилмас экан, мамлакат таракқиётга эришиб бўлмаслиги қайд этилди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига ўзгартиш ва қўшимча қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси автоматотранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларни енгиллаштириши, ижара бозорини ривожлантириши, аҳоли ва тадбир-



корлик субъектларининг ортиқча оворгарчилиги ҳамда бюрократиянинг олдинчи олишини эътиборга олиб, уни биринчи ўқишда маъқуллашди.

Кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табриғидан келиб чиқадиган вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам батафсил кўриб чиқилди.

— Табриқда ўтган беш йилда амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар билан биргаликда олдимизда турган мўҳим вазифалар ҳам белгилаб берилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсууда Ворисова. — Албатта, уларнинг ижроси ҳар биримиздан, жумладан, халқ вакиллари бўлган депутатлардан ҳам фидойилик ва садоқат билан ишлашни талаб этади.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига ўзгартиш ва қўшимча қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Таъкидланганича, лойиҳа қонунчилик ҳужжатларига автоматотранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда, шартномани тасдиқлаш бўйича қўшимча қилиниши талаб этилади. Таъкидланганича, лойиҳа қонунчилик ҳужжатларига автоматотранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда, шартномани тасдиқлаш бўйича қўшимча қилиниши талаб этилади.

рага берилганда, шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш талаби бекор қилинмоқда ва бу каби шартнома умуман олдий ёзма шаклда тузилиши мўжмални белгилашни мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Кўнунчиликка киритилаётган мазкур ўзгартиш билан автоматотранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар енгиллаштирилади ва ижара бозори ривожланишига янги шароитлар пайдо бўлади. Қизгин муҳокамалардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқуллади.

"Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 29 йиллик байрами муносабати билан Президентимизнинг халқимизга йўллаган байрам табриғи мазмун-моҳияти, ундан келиб чиққан ҳолда белгиланган вазифалар хусусида сўз борди.

Қайд этилганидек, табриқда кўтарилган тақлифлар амалиётда ўз аксини топиши учун "Адолат" СДП фракцияси олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Бунда Асосий Қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлаш, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган тақлифлар асосида тақомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Йиғилишда кейинги масала — "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Қонун лойиҳасида жимийон ва юридик шахсларга эғалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи

ЙИҚИЛГАННИ СУЯШ, АДАШГАНГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛМОҚДА

Халқимизнинг эзгу одат ва қадриятлари кўп. Шулардан бири — йиқилганни суюш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш. Мўҳими, ана шу халқимизга хос бўлган қадрият давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бормоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар марказида инсон, унинг бахтли ҳаёт кеңиришини таъминлашдек улғувор мақсад тургани ҳам шундан далолат беради.

Ғамхўрлик

Чиндан ҳам, қайсики ислохотни ёки ҳужжатни олманг, булардан муҳим инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўла-тўқис таъминлаш эканлигини илғаб олиш қийин эмас.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида мамлакатимиз Президентининг Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан имзолаган "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахслари афв этиш тўғрисида"ги Фармонини келтириш мўжм.

Унга қўра, жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига кирган 182 нафар шахс афв этилди. Улардан 3 нафари асосий жазодан тўлиқ



Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

шахслар тимсолида халқимиз мамлакатимиз ҳаётида инсонпарвар боғалар тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганлигини кўрмоқда.

Мазкур Фармон юксак инсонпарварлик ғояларига йўрилганлигини афв этилганларнинг 6 нафарини чет эл фуқаролари, 6 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 9 нафарини аёллар ҳамда 25 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этиши ҳам кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, халқимизга хос бўлган инсонни улғулашга қаратилган яна бир ҳужжат эълон қилинди. Эндиликда афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, иқтисодий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши ҳамда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун уларга кўмак бериш асосий вазифадир. Бу эса барча-барчамиздан, жумладан, биз, сенаторлардан ҳам катта масъулият талаб этади.

Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ИТАЛИЯ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳридаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 8 декабрь кун И Ўзбекистон Республикаси раислигида "Италия — Марказий Осиё" шаклидаги иккинчи вазирлар конференцияси бўлиб ўтди.

Конференциянинг биринчи йиғилиши 2019 йил 13 декабрда Римда бўлиб ўтган. Тадбирда Марказий Осиё мамлакатлари, Италия ва Европа Иттифоқи ташки сиёсий идоралари раҳбарлари, иқтисодий ва молиявий тузилмалари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ташки ишлар вазири Абдулазиз Комиллов, Италия ташки ишлар ва ҳамкорлик вазири Луизи Ди Майо анжуманининг долзарблиги, мўҳим аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишди. Бу гагли йиғилиш кун тартиби ҳам замонавий таҳдид, хавф-хатарлар тўғрисида минтақамамлакатлари олдида пайдо бўлаётган муаммоларни баҳамжиҳат бартараф этишга қаратилгани қайд этилди.

Конференция учта алоҳида ялпи сессия тарзида ўтказилиб, "Марказий Осиёдаги хозирги таҳдид ва янги имкониятлар, миллий устуворлик", "Халқаро ва минтақавий иқтисодий ҳамкорлик долзарб жиҳатлари", "Соғлиқни сақлаш соҳасининг устувор йўналишлари ва коронавирусга қарши биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш" мавзуларини қамраб олди.

Делегациялар Марказий Осиё давлатлари ва Италия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини муҳокама қилди, замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда жавоб бериш мўҳимлигини таъкидлашди. Минтақадagi экологик муаммоларни ҳал этиш, экстремизм ва терроризм каби трансмиллий таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек, миллатлараро товулик, халқлараро дўстлик ва қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш йўллари таҳлил этилди.

Минтақавий иқтисодий шерикликни тақомиллаштириш, савдо-инвестиция,

Ғайрат ХОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Маънавият

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ



Мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, адабиётни ривожлантириш, миллий ўзига хосликни улуғлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги қўлдан кўчмасликларда Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарориغا мувофиқ, Ўзбекистон Қаҳрамони ва

халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётгани тарихий воқеликлардан бири бўлди.

Атоқли ижодкор ўз асарларида Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуларини, олижаноб инсоний фазилатларини, халқимизнинг асрий оғзу-армонларини, келажакка умид ва ишончини ўзига хос, бетакорр соҳир овоз билан баралла тарафнам этди. Зотан, шoir шеърларининг қалбга яқинлиги, сукуқиллиги, умрбоқийлиги боиси ҳам шунда, аслида.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин қўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан, дея еру осмонин,
Муқаддас атайман, атайман таңо.

Аслида дунёда таңо нима бор?
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшимиз севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жаннат, деб қўз-қўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоққидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтгин, десалар менга.
Шоирона, гўзал сўзлардан олдир,
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангун музликларга элган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасдими уша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
Боғ унин мангунлик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг чун
Севган фарзанд бўлса, кечима асло!

«EXPO 2020 DUBAI»ДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ КУНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Дубайдаги «EXPO 2020 Dubai» Бутунжаҳон кўргазмаси доирасида «Leadership Pavillion» майдонида мамлакатимиз тарихи, бугунги тароққийети ва улкан салоҳиятига бағишланган «Ўзбекистон Республикасининг миллий куни» тантанали тадбири ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон ҳамда БАА давлат байроқларини кўтариш ва икки мамлакат мадҳиялари ижроси билан бошланди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Сардор Умурзоқов ва Бирлашган Араб Амирликларининг вазири Вахиди Ахмедов ва таълим вазири Абдулхамиди Абдураҳмоннинг ҳам иштирокида бўлиб ўтди. Делегациялар раҳбарлари ўз кўтулов сўзлари чоғида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги муносабатлар юксак даражада эканини, инвестициявий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликка эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлади.

— ЭКСПО — оммавий дипломатия ва миллий брендинг учун нобб платформу. Иштирокчи мамлакатлар технология инновациялари ҳамда миллий маданиятларини намойиш этиди, икобий ва ўзига хос миллий ўзликини шакллантириш учун фуқаролик жамияти билан ўзаро мулоқотда бўлади. Ўзбекистон 1993 йилдан бунён халқаро кўргазмаларда, шунингдек, иختисослашган ЭКСПО кўргазмаларида қатнашиб келмоқда, бироқ бу сафар биз мамлакатимизни биринчи марта миллий павильон билан намойиш қилмоқдамиз. Уйлаётганимиз, бу БАА билан алоқаларни мустақамлаш ниятимизнинг жиддийлигини ақс эттирувчи яхши белгидир, — деди Ўзбекистон делегацияси раҳбари ўз нутқида.

Тадбирда икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, зиёлилари, ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчиликнинг кўзга кўринган вакиллари ҳамда «EXPO 2020 Dubai» меҳмонлари қатнашди. Унинг дастуридан миллий мусика маданияти ва мумтоз асарларни кенг оммага тақдим қилган Ўзбекистон санъат усталари иштирокидаги ёрқин концерт дастури ўрин олди. Кечага ташриф буюрган меҳмонларга Ўзбекистон павильони бўйлаб қизиқарли экскурсиялар тақдим этилди. Ўзбек халқининг энг гўзал меҳмондўстлик аъёнчаларини ўзида муҳассамлаган ўзбек миллий таомлари ҳам байрамнинг ажралмас қисми бўлди.

«EXPO 2020 Dubai» кўргазмасида Ўзбекистон павильони маданий дастурининг расмий ҳамкори Маданият ва таълим вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасидир. Павильон 1 минг 739 квадрат метр майдонда жойлашган бўлиб, «Харақатчанлик» шiori остида Буоқ Ипак йўли бўйлаб саёхатга чорлаши бароқарида, бугунги Ўзбекистоннинг муваффақиятлари ва сабабни қўргазган ўтмиш ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Павильоннинг урта эллиптик иншооти Ипак йўлининг урта тарихий шахри — Самарқанд, Бухоро ва Хивани гавдалантиради.

Кўргазмада иштирок этиш доирасида бу ерда мамлакатимизнинг меҳмони, маданияти ва салоҳияти билан таништирувчи қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, 27 ноябрь куни «Dubai Opera» сахнасида «Лазги — қалб ва муҳаббат рақси» балет спектаклининг халқаро премьераси бўлиб ўтди. 29 ноябрь куни «Жамият иқтисодий ҳаёти» замонавийлаштиришда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида Ўзбекистон сессияси ўтказилди. 30 ноябрь куни

ўзбек пианиночиси Бехзод Абдураимов «Jubilee Park EXPO 2020» сахнасида кўп сонли халқаро томошабинларга ўз маҳоратини намойиш этди.

— Бутунжаҳон кўргазмасидаги Ўзбекистон миллий куни мамлакатимиз учун ҳам, халқаро ҳамжамайт учун ҳам жуда муҳим воқеа бўлди, — деди Ўзбекистоннинг Дубайдаги Бош консули Алишер Саломов «Дунё» АА муҳбирига берган интервьюсида. — Тадбирда қатнашган учун Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Сардор Умурзоқов бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ўзбекистон томони ушбу тадбирга жуда пухта тайёргарлик қўрди. Кенг қўламли маданий дастур тайёрланди, меҳмондўст ўзбек дастурхони ташкил қилинди. Чунки Бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон миллий куни нафақат БАА аҳолисини, балки бутун дунёдан кўргазмага ташриф буюрувчиларни мамлакатимиз тарихи ва замонавий тароққийети билан таништириш имкониятини беради. Биз бу ерда экансиз фахр билан бу оқ тароққийети билан тароққийети ҳамда халқаро ҳамкорлик салоҳиятимизни намойиш қилмоқдамиз.

«ЭКСПО 2020» Бутунжаҳон кўргазмаси Дубайда 2021 йил 1 октябрдан 2022 йил 31 мартга давом этади. «ЭКСПО» кўргазмалари 1851 йил 1 май — 15 октябрь кунлари Лондондаги Гайд-Паркда биринчи марта уюштирилган бери индустриализация тисоли ҳамда техник ва технология инновациялар билан таништирилган ҳолатда намойиш этилаётган майдон сифатида фаолият юритиб келмоқда. «Барча халқлар санъат маҳсулотларининг буюк кўргазмаси» деб номланган кўргазма илм-фан, санъат, санъат ва савдо ютуқларини намойиш қилган. Кўргазма санъат инқилоби гоъларини тароққийети муҳим босқич бўлиб, қўлаб мамлакат

ларнинг иштироки туйфайли тез орада дунё миқёсида танилиб улғурган.

Дубайда ўтказилаётган жорий кўргазма энг экологик тоза кўргазмадан бирига айланганига интиляғимиз, — деб таъкидламоқда ташкилотчилар. — Барқарор ривожланиш ташуғаси, биз нимайки қилаётган бўлмайлик — бунёд этилаётган ён ва ишсозлардан тартиб то боқий меросгача бўлган барча нарса билан боғлиқ. Улар «Expo 2020 Dubai» янгарданланди кейин ҳам узок йиллар давомида хизмат қилади. Биз чикиндиларни қайта ишлаш ва табиий ечимлар тақийф қилиш орқали барча соҳаларда келажак авлодлар учун атраф-муҳит ва она сайёрамизни сақлаб қолиш учун одамларни ишқомланришга умид қиламиз. Бизнинг барча сайё-харакатларимиз атраф-муҳитга миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда икобий тасир қўраситишга қаратилган.

Кўргазма инсониятнинг бугунги мақсадларини ақс эттирувчи тематик бўлимлардан иборат.

Эслотиб ўтамиз, Ўзбекистон шу пайтгача Нагоя (Япония, 2005), Ёсу (Жанубий Корея, 2012), Нур-Султон (Қозоғистон, 2017)да ўтказилган Бутунжаҳон иختисослаштирилган кўргазмалари ҳамда Ганновер (Германия, 2000), Шанхай (Хитой, 2010) ва Милан (Италия, 2015) Бутунжаҳон рўйхатга олинган кўргазмаларида иштирок этган.

«EXPO 2020» кўргазмасида Ўзбекистон павильони 1 ноябрь куни очилди ва унинг фаолияти 2022 йилнинг 31 мартгача, яъни



кўргазманинг охиригача давом этади. Павильон очилганидан кейинги дастрлабки кунларда унга ҳар куни 7 мингга яқин меҳмонлар ташриф буюрди. Хозир «Ўзбекистон» павильони билан ҳар куни ўртача 2,5-3 минг нафар одам танишмоқда. Яқинда бу ерда ўзбек миллий таомлари ресторани очилди ва бу янада кўпроқ меҳмонларни жалб қилаётир.

Миллий таомлар бўйича таниқли мутахассис, ресторатор Баҳридин Чустий Бутунжаҳон кўргазмасидаги Ўзбекистон куни доирасида 1000 килограмм байрам палови тайёрлангани ҳақида сўзлаб берди: — Бунинг учун Ўзбекистоннинг моҳир ва сара ошпазлари Дубайга келди. Палов ниҳоятда мазали чиқди, бунинг учун меҳр билан бор маҳоратимизни ишга солдик, ўзбек меҳмондўстлигини намойиш қилдик. Бугунги кун кўргазмасининг кўп сонли меҳмонлари учун Ўзбекистон билан яқиндан танишиш учун кулай имконият бўлганига, уларни серқўш улкамизга сафар қилишга чорлаганига ишончимиз комил.

«EXPO 2020 Dubai» Бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон миллий куни катта муваффақият билан ўтди. Тадбир хорийоти ва Амриликлар матбуотида кенг ёритилди.

«Дунё» АА,
Дубай

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ УЧКЎПРИК ТУМАНИДАГИ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг Фарғона вилоятидаги «Учкўприк» филиали реконструкция қилингандан сўнг жамоа янги бинода иш бошлади.

Хушxabар

Замонавий қўринишдаги янги бинонинг очилиши маросимида вилоят ҳоқимлиги ҳамда банк раҳбарияти иштирок этди.

Филиалда малакали банк ходимлари томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларга барча турдаги банк ва консалтинг хизматлари қўрсатиш учун барча шароит яратилган. Бинобарин, мижозларга кулай ҳада самарали хизмат қўрсатишда реконструкция қилинган, ин-

новацион жиҳозлар билан таъминланган бинонинг ахамияти катта.

Бугунги кунда Учкўприк туманида умумий қиймати 237,8 миллиард сўмлик 40 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 543 та янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткичи 776 га етказиш режалаштирилган.

Банк томонидан келгусида худуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари-



га катта эътибор қаратиш кўзда тутилган. Хусусан, 2022 йил давомида Учкўприк тумани аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалаларга бириктирилган ҳоқим ёрдамчилари ёрдамида 71 мингдан ортиқ парранда, 400 бошдан зиёд қўён, 200 та асалари уеси, 400 бош қўй ва

эчки тарқатилиши режалаштирилган. Ахборот технологиялари асрида ҳар бир соҳа фаолиятини шу тизим билан уйғун ҳолда давом эттириш талаб этилиши аён. Бу борда «Микрокредитбанк» томонидан ҳам трансформация жараёнлари бошлангани, бир қатор хизматларда инсон омилнинг қамайиши ёки бутунлай олиб ташлангани, энг муҳими, «мижозбай» ишлаш тизими йўлга қўйилиши натижасида қатор кулайликлар яратилаётгани эътиборга молик.

Банк Ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

ФУҚАРОЛARNING БАНКЛАРДАГИ ОMONATLARINI KAFOЛATLASH FONДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий савдохонлигини ошириш ва аҳолининг банк омонатларини кафолатланганлиги масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш бўйича танлов эълон қилади.

Иштирокчилар учун асосий талаблар:
Реклама ва продакшн соҳасида камида 1 йиллик иш тажрибаси;

Видео ва аудио роликларни ишлаб чиқиш, баннер, стенд ва ҳоказолар учун дизайн ҳамда монтаж ишларини амалга ошириш бўйича техник жиҳатдан таъминланганлик;
телевидение, радио, метро, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида материалларни жойлаштирилишини таъминлай олиш.

Иштирокчилар орасида ижтимоий лойиҳалар ва молиявий савдохонлик соҳасида иш портфелига эга бўлганларга устунилик берилади.

Ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш бўйича техник талабни www.fgd.uz сайтидан топишингиз мумкин.

Танлов тақлифлари 2021 йилнинг 13 декабригача қуйидаги манзилда қабул қилинади:
100027, Тошкент шаҳри,
Қоратош кўчаси, 1-уй.

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилишингиз мумкин:
Телефонлар: 71-238-69-45, 71-238-69-46.
Веб-сайт: www.fgd.uz.

E-mail: info@fgd.uz, uzfgvgb@mail.ru.
Белгиланган муддатдан кейин юборилган тендер тақлифлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланиб, қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

«Nestle Food» MCHJ XK

2021 йил 6 декабрдан бoshлаб юридик манзили (joylashuvi) o'zgarganligi haqida xabar beradi. Kompaniyang yangi yuridik manzili:

O'zbekiston Respublikasi, 100070, Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Shota Rustaveli ko'chasi, 12-uy.

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишланган Аксилкоррупция ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирлар режасига мувофиқ, «Коррупция — ривожланишимизга тўсик» мавзусида мамлакатимиз бўйлаб тадбирлар ўтказилиши белгиланган.



Молия муассасаларида

Хусусан, «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки Бош офис ҳамда филиали иштирокида «Банк-молия соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг долзарб муаммолари» мавзусида давра сўхбатлари ҳамда ZOOM платформаси орқали учрашувлар бўлиб ўтди.

Маъмур тадбирларда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети вакиллари ўз маърузалари билан қатнашди.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси — очик мулоқот тарзида ўтказилган семинар бўлиб, унда жамиятимизда содир этилаётган коррупцион ҳолатлар танқид остига олинди, бундай иллатларга йўл қўймайлик, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуноти ҳужжатлари, уларнинг мазмун-моҳияти, замонавий аксилкоррупцион тизимларни жорий этиш ҳамда «комплаенс-назорат» тизими

тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда қайд этилганидек, «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан коррупциянинг олдини олиш юзасидан мурувй ишлар бажарилиб, Хусусан, бу борда, 2021 йил 19 октябрда «Ипотека-банк» АТИБ тизимида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Марказий банки ҳамкорлигида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилганлиги ҳамда ушбу йўналишга масъул бўлган коррупция ва фирибгарлик қарши курашиш бўйича Комплаенс нazorат департаменти ташкил этилиб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига таъкидланди.

Хусусан, «Йўл харитаси»нинг тегишли бандлари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура, Хисоб палатаси ҳамда Марказий банкга ахборот тақдим этиб бориш вазифаси белгиланган.

Маъмур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил

октябрь ойи якуни бўйича «Ипотека-банк» АТИБ тизимида «Коррупцияга қарши курашиш сиёсати», «Ишбилармонлик одоб-ахлоқ қоидалари ва корпоратив этика кодекси», «Ипотека-банк» АТИБ тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ишонч телефони тўғрисида» ги Низом, Қондабузарликлар тўғрисида хабар бериш сиёсати, «Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги» ги Низом, «Мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида» ги Низом, «Ипотека-банк» АТИБда давлат харидларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш сиёсати, «Ипотека-банк» АТИБ тизимида давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида Тартиб, Номзодларни танлаш бўйича Тартиб, Фирибгарликка қарши курашиш сиёсати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Шу билан бирга, «Ипотека-банк» АТИБда КРП тизими синовдан ўтказилган бўлиб, ҳозирда филиал ходимларининг иш самарадорлиги

қараб боқолаш банк Бошқарувининг 2021 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилмоқда. Филиал ходимларининг режа бажариш кўрсаткичлари Бош банк томонидан жорий қилинган «CRM-light» дастурий таъминотида акс эттирилиб, филиалларнинг ойлик муқофот миқдорлари ушбу дастурий таъминот орқали ҳисобланган ҳолда белгиланиб келинмоқда.

Бу ҳақи ҳаммаси эмас. Банкда инсон омил таъсирини қамайтириш максисда масофавий дастурий тизим орқали кредит маблаглари ажратилишини йўлга қўйиш, бюрократик тўсикларни ҳамда коррупциянинг олдини олиш юзасидан юридик шахсларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий дастурий тизим орқали кредит ажратилишини жорий қилиш бўйича юридик шахсларнинг бизнес жараёнлари ва тегишли бошқармаларнинг тақлифлари ўрганилаётир.

Ходимларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида назарий билимларини шакллантириш мақсадида банк Комплаенс нazorат департаментининг 8 нафар ходими халқаро стандарт (ISO 37001)га мувофиқ, «Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизи-

ми» йўналишида ўқитилди ва сертификат тақдим этилди.

Умуман, тизимда фақатгина халққа фойдалилик билан ҳалол хизмат қилаётганларгина фаолиятини давом эттира олиши учун барча чоралар қўрилмоқда.

Семинарда коррупцияга қарши курашишга оид ишларни изчил ва тизимли тарзда давом эттириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г. — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тадбирнинг келган кўзгемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳрироти компьютер марказида термид ҳама оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг подлиграфия ҳақидаги сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.
Муасҳхўр — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Тошпирилди — 01.15 1 2 3 4 5 6